



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№50 (1003)

2026 йил 7 июль, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан,
ягона халқ
бўлиб,
янги ҳаёт
ва келажақ
яратамиз!

Президент ташрифидан сўнг

Инсон қадри амалий ишларда намоён бўлади

Бугунги Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим мезони – инсон қадрини юксалтириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва ҳудудларни мутаносиб ривожлантиришдан иборат. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар айнан шу мақсадга хизмат қилиб, мамлакатнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимиз маҳаллалари қиёфасини ҳам мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган ҳафтада Президентимизнинг Сергели туманига ташрифи давомида намоён бўлган манзаралар бугунги ислохотларнинг рақамларда эмас, балки инсонлар ҳаётида қандай акс этаётганини яққол кўрсатди. Бу ташриф оддий танишув эмас, балки давлат сиёсати марказида маҳалла, инсон ва унинг фаровон ҳаёти турганининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Маҳалла – тараққиётнинг бош мезони

Янги Ўзбекистонда маҳалла энди фақат аҳоли яшайдиган ҳудуд эмас. У ижтимоий ҳаёт, иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик, хизматлар соҳаси ва жамоат хавфсизлиги бирлашган яхлит тизимга айланиб бормоқда.

Сергели туманидаги Иттифок маҳалласида барпо этилган Янги Сергели кўчаси бунинг амалий намунасидир. Илгари оддий кўча бўлган ҳудуд бугун 24/7 режимда фаолият юритувчи замонавий савдо, туризм ва хизматлар марказига айланган. Бу ерда савдо шохобчалари, умумий овқатланиш объектлари, дам олиш масканлари, болалар майдончалари, спорт зоналари ва китоб дўкони ташкил этилган.



▲ Сергели туманидаги Ўзгариш маҳалласи.

Жамоатчилик ва Фахрийлар кенгашлари фаолияти сарҳисоб қилинди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ-124-сонли Фармони ҳамда вазирликнинг тегишли буйруғи ижроси доирасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, техник ва шаҳарсозлик кенгашлари фаолиятида жамоатчилик иштирокини таъминлаш, вазирлик фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини қўлайлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берилди.



► Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши.

Шунингдек, вазирлик фаолияти бўйича жамоатчилик фикрини тизимли ўрганиш, коррупцияга қарши курашиш тадбирларида фаол иштирок этиш ҳамда расмий ахборот ресурслари орқали очиқ маълумотларни мунтазам эълон қилиб бориш йўналишларида олиб борилган ишлар алоҳида қайд этилди.

Жамоатчилик назорати, фахрийларнинг ҳаётий тажрибаси ва очиқ мулоқот соҳаси изчил ривожлантиришнинг муҳим омилidir, – деди кенгаш раиси Қозим Тулаганов. – Ҳар бир тақлиф амалий натижага хизмат қилиши, қабул қилинаётган қарорлар эса тизим самарадорлигини ошириши керак.

Шундан сўнг Фахрийлар кенгашининг 2026 йил биринчи ярим йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Унда соҳа фахрийларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибасини ёш авлодга етказиш, шунингдек, шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 211 нафар номзоднинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, 167 нафари Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлари сафига

қабул қилинди. Бугунги кунга қадар эса 983 нафар фахрий кенгаш таркибига қабул қилинган бўлиб, 908 нафар меҳнат фахрийсига "Кенгаш фахрийси" ёрлиғи топширилган. "Устоз-шогирд" анъаналарини ривожлантириш мақсадида республика бўйича 15 та олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жорий йилнинг олти ойида фахрийлар иштирокида 152 та учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда 22,8 минг нафардан ортиқ талаба қамраб олинди. Шунингдек, 818 нафар фахрийни дам олиш масканлари ва санаторийларда соғломлаштириш ишлари ташкил этилди.

Ҳисоботларда шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасини такомиллаштириш юзасидан 1 та қонун ҳужжати, 29 та қонуности ҳужжати ҳамда 16 та шаҳарсозлик норма ва қоидаларига тақлиф ва тавсиялар киритилгани, уларнинг бир қисми бугунги кунда амалиётга жорий этиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан келиш-шайлаётгани таъкидланди.

Йиғилиш якунида кенгаш аъзоларининг тақлиф ва мулоҳазалари эшгитилиб, жорий йилнинг учинчи чорагида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгिलाб олинди.

Ўз мухбиримиз.



Тажриба алмашиш самарали бошқарув ва замонавий ёндашувлар сари муҳим қадам

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманига амалга оширган ташрифи давомида эътироф этилган ва ўзини оқлаган бошқарув тажрибаларини республиканинг барча ҳудудларида оммалаштириш мақсадида ҳудудий бошқарув органлари иштирокида амалий ўрганишлар йўлга қўйилди.



Мазкур амалиёт доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева бошчилигида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритувчи 10 га яқин бошқарув органи масъул ходимлари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги бошқарув органлари фаолияти, иш жараёнлари ҳамда ҳужжат юритиш тизимини ўрганди.

Жараёнда давлат бошқарувида амалга оширилаётган ислохотлар, хизматлар сифатини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, рақамлаштириш, иш жараёнларини самарали ташкил этиш ҳамда илғор бошқарув механизмларини амалиётга татбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бино ва иншоотларни замонавий талаблар асосида таъмирлаш, замонавий инфратузилмани яратиш, фуқаролар учун қўлай ва сифатли хизматларни йўлга қўйиш борасидаги самарали тажрибалар ҳам атрофлича ўрганилди.

Президентимиз аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш ва инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, – деди Озода Жўраева. – Ҳудудларда ўзини оқлаган энг яхши тажрибаларни чуқур ўрганиш ва уларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш ислохотларимиз самарадорлигини оширади. Асосий мақсад – ҳар бир ҳудудда аҳолига замонавий, қўлай ва сифатли хизматлар кўрсатиш

тизимини шакллантиришдир. Чунки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тажрибаси ва ёндашуви бор. Бундай тажриба алмашиш нафақат бошқарув сифатини оширади, балки аҳолига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ҳам янги босқичга олиб чиқади.

Шунингдек, бошқарув органлари масъуллари Мирзо Улуғбек туманидаги "Бунёдкор обод таъмир" бошқарув сервис компаниясининг моддий-техник базаси, иш жараёнларини ташкил этиш тизими, ҳужжатлар билан ишлаш амалиёти ҳамда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари билан ҳам яқиндан танишишди. Жумладан, иштирокчиларга кўп қаватли уй-жойларнинг техник ҳолати, уларни сақлаш ва эксплуатация қилиш ишлари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг ҳолати ҳамда мавжуд инфратузилмани такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди. Амалий ўрганишлар давомида ишчи-ҳодимлар билан самимий мулоқотлар ташкил этилиб, иш фаолиятида қўлланилаётган самарали ёндашувлар, хизматлар сифатини ошириш, мурожаатлар билан ишлаш ва бошқарув самарадорлигини таъминлашга қаратилган тажрибалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



▼ Қўркам қиёфага кираётган туман.



Инсон қадри амалий ишларда намоён бўлади

➔ **1** Эътиборлиси, мазкур лойиҳа-нинг аҳамияти нафақат ташки кўринишда, балки иқтисодий натижаларида ҳам намоён бўлмоқда. Қиймати 18,7 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида юзлаб янги иш ўринлари яратилди, мавжуд тадбир-корлик субъектлари кенгайтирилди ва янги бизнеслар ташкил этилди. Бу эса маҳалланинг иқтисодий фаоллигини ошириш билан бирга аҳоли даромадларининг ўсишига ҳам хизмат қилмоқда.

Замонавий тиббиёт – инсон капиталига инвестиция

Президент таширфининг муҳим нуқтала-ридан яна бири – “Global International Hospital” хусусий кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлди. 30 миллион доллар инвестиция асосида ташкил этилган мазкур марказ мамлакатимизда хусу-сий тиббиёт соҳасининг мутлақо янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Бугун тиббиёт муассасаси замонавий диаг-ностик ва жаррохлик технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, йилга 150 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Шу билан бирга, 250 нафар мутахассис дои-мий иш билан таъминланган. Бу ерда энг муҳим жиҳат шундаки, соғлиқни сақлаш соҳаси фақат ижтимоий хизмат сифатида эмас, балки инвес-тиция, инновация ва тиббий туризмни ривож-лантирувчи муҳим тармоқ сифатида қарал-моқда.

Энергия самарадорлиги – келажак қурилиши талаби

Ўзгариш маҳалласида ишга туширилган когенерация маркази мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга татбиқ этишининг ёрқин намунасидир.

Табийи газдан бир вақтнинг ўзида ҳам электр, ҳам иссиқлик энергияси олиш имкони-ни берувчи ушбу технология энергия тежамкор-лиги, экологик барқарорлик ва иқтисодий сама-радорликни таъминлайди. Йилга 18,4 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 80 минг ги-калория иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур марказ нафақат маҳалла эҳтиёжини таъминлайди, балки шаҳар энергетика тизими-га тушадиган юкламани ҳам камайтиради.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар ай-нан энергия самарадорлигига устувор аҳамият қаратаётган бир пайтда Ўзбекистонда ҳам шун-дай инновацион ечимларнинг жорий этилиши келажак учун муҳим кадам ҳисобланади.

Ерусти метро йўли остидаги янги иқтисодий ҳаёт

Замонавий шаҳарсозликда мавжуд худуд-лардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият-га эга. Сергелида ер усти метро йўли остидаги



➔ Ер усти метро йўли остидаги тадбиркорлик объекtlари.

худуднинг тўлиқ қайта ташкил этилиши ана шу ёндашувнинг амалий ифодаси бўлди.

Аввал бўш турган майдонлар бугун тадбир-корлик объекtlари, велосипед йўлаклари, спорт зоналари ва дам олиш масканларига айлан-ган. 137 та тадбиркорлик субъектининг ташкил этилиши, 250 та янги иш ўрнининг яратилиши шаҳар инфратузилмасининг иқтисодий қийма-тини янада оширмоқда. Бу тажриба келгусида бошқа шаҳарлар учун ҳам намунавий модель бўлиши мумкин.

Инфратузилма – аҳоли фаровонлигининг пойдевори

- Ташриф давомида таълим, транспорт, ичим-лик суви, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва экологик муҳитни яхшилашга қаратилган янги ташаб-буслар ҳам белгилаб берилди.
- Жумладан:**
- мактаблар сифimini икки баробар оширишга хизмат қиладиган янги типдаги таълим муассасалари;
 - BRT жамоат транспорти тизими;
 - “актили” светофорлар;
 - янги автотураргоҳлар;
 - замонавий сув тозалаш иншоотлари;
 - сунъий кўллар;
 - канал бўйларидаги сайилгоҳлар.

Бу лойиҳаларнинг барчасини бирлаштириб турадиган умумий гоя – инсон учун янада қулай, хавфсиз ва экологик барқарор шаҳар муҳитини яратишдир.

Ислохотлар самараси рақамларда эмас, инсон ҳаётида кўринади

Сергели туманида амалга оширилган ишларга назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади: ислохотларнинг ҳақиқий баҳоси қурилган бинолар сони ёки сарфланган маблағлар билан эмас, балки инсонлар ҳаёти-даги ўзгаришлар билан ўлчанади.

Обод маҳаллалар, хавфсиз кўчалар, замона-вий тиббиёт, қулай транспорт, янги иш ўринла-ри ва ривожланган хизматлар соҳаси – булар-нинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улурлашга қаратилган давлат сиёсатининг ама-лий натижаларидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Сергелида кузатилаётган ўзгаришлар фақат бир туман ҳаёти билан чекланмайдн. Улар Янги Ўзбекис-тон тараққиётининг муҳим модели сифатида мамлакатимиз шаҳарсозлиги, иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсати қандай йўналишда ривож-ланаётганини кўрсатиб турибди. Шубҳасиз, маҳаллалар қиёфасидаги ана шу янгиланишлар халқимиз ҳаётидаги фаровонлик, эртанги кунга ишонч ва тараққиёт сари дадил қадамларнинг энг ишончли ифодаси бўлиб қолади.

Энергетика соҳасидаги долзарб масалалар

Энергетика вазирлигида ёқилғи-энергетика соҳасида коррупцияга қарши курашиш, энергия таъминоти барқарорлиги, дебитор ва кредитор қарздорликларни қисқартириш ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Бош прокуратура, қатор ва-зирлик ва идоралар, ёқилғи-энергетика тизими ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарияти иштирок этди.

Хусусан, йиғилишда юқори ҳаво ҳарорати шароитида электр ва газ таъминоти барқарор-лигини таъминлаш масалалари қўриб чиқилди. Қайд этилганидек, жорий ёзда электр энергия-сига талаб ўтган йилга нисбатан юқори бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан электр тар-моқлари ва подстанциялар ишончли ишлаши-ни таъминлаш, авариявий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда бригадаларнинг доимий шай ҳолат-да бўлиши юзасидан аниқ топшириқлар берил-ди. Хусусан, Тошкент шаҳрида кузатилган ава-риявий узилишлар юзасидан махсус комиссия иш бошлагани қайд этилди. Комиссия авария сабаблари, ускуналарнинг техник ҳолати, рекон-струкция ишлари сифати ҳамда аварияга қарши ҳимоя тизимлари самарадорлигини ўрганади.

Аҳоли муурожаатларини тезкор кўриб чиқиш, call-марказлар фаолиятини қучайтириш ҳамда авариявий ҳолатлар бўйича аҳолини ўз вақти-да хабардор қилиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, энергия самарадорлиги масала-си ҳам муҳокама қилинди. Электр энергияси ва табиий газни тежаш режалари таҳлил этилиб, айрим йирик корхоналарда энергия ресурсла-ридан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари кескин танқид қилинди. Масуулларга энергиятежамкор технологияларни жорий этиш, эски ускуналар-ни янгилаш ва тежаш кўрсаткичларини таъмин-лаш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, дебитор ва кредитор қарздорликлар танқидий муҳокама қилинди. Қарздорликларни қисқар-тириш бўйича қарорлар ижросини таъминлама-ётган раҳбарлар қатъий огоҳлантирилиб, аниқ чоралар кўриш вазифаси белгиланди.

Булардан ташқари, куз-қиш мавсумига тай-ёргарлик доирасида электр ва газ инфратузил-масини таъмирлаш, авариявий заҳираларни шакллантириш ҳамда аҳолини энергия ресур-лари билан барқарор таъминлаш юзасидан масъулларга аниқ топшириқлар берилди.



Электр ва газ таъминоти яхшиланмоқда

Давлат раҳбарининг Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишларига биноан, воҳада куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари май ойиданоқ бошлаб юборилган.

Айни пайтда кўп қаватли уйларнинг ертўла-ларидаги сантехника ускуналарини сифатли таъмирлаш, иссиқлик тармоқларини янгилаш ҳамда мавсумда газ, ичимлик суви ва электр таъминотида узилишларнинг олдини олиш чо-ралари қўрилмоқда. Хусусан, Қарши, Шаҳри-сабз, Китоб шаҳарлари ҳамда Қамашн, Гузор, Чироқчи, Яқкабoғ туманларидаги кўп қаватли уйларни мавсумга тайёрлаш эрта бошлангани, қолаверса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (БСК) ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги йўлга қўйилгани боис, режалаштирилган қури-лиш-таъмирлаш ишларининг 70 фоизи белги-ланган муддатда яқунланди.

Хозирги вақтда асосий эътибор шаҳар ва ту-манлардаги аҳоли хонадонлари ҳамда иқтисо-диёт тармоқларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга қаратилган. Бу борада тас-диқланган “Йўл харитаси” асосида тизимдаги технологик йўқотишларни бартараф этиш ва инфратузилмани замонавий технологиялар бил-лан бойитиш ишлари олиб борилмоқда. Мута-хассисларнинг маълумотларига кўра, шу кунгача худуддаги 204 та подстанция орқали истеъмол-чиларга хизмат кўрсатиб келинаётган эди.

Бироқ кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсиши ва саноат тармоқларининг кенгайи-ши натижасида, айниқса, куз-қиш мавсумида электр энергияси таъминотида йўқотишлар ва тез-тез узилишлар кузатилаётгани сир эмас-ди. Бундай ҳолат тизимни тўлиқ модернизация қилишни ҳамда қувватларни кенгайтиришни тақозо этди.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, 2026 йилга мўлжалланган бир нечта йирик лойиҳалар-ни амалга оширишга киришилди. Жумладан, “Кишлоқ ва маҳаллаларни комплекс ривожлан-тириш” лойиҳаси доирасида юзлаб километр электр узатиш тармоқларини қуриш ва рекон-струкция қилиш, трансформатор пунктларини

янгилаш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон қиёфаси” дастури асосида оғир тоифадаги маҳаллаларни кўл-лаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда.

Вилоят электр тармоқлари корхонаси ахбо-рот хизмати раҳбари Баҳриддин Эсоновнинг таъкидлашича, ижтимоий соҳа объекtlари ва кўп қаватли уйлarda чироқ тез-тез ўчишининг асосий сабабларидан бири – айрим ташкилот-лар ҳамда хонадонларда ноқонуний қурил-малардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ис-теъмолчиларни таъминловчи тармоқлардаги эскирган кабель ва симлар босқичма-босқич замонавийсига алмаштирилиб, талабга жавоб бермайдиган трансформаторлар янгиланмоқда.

Тизимли чора-тадбирлар натижасида шу кунгача 166 километр масофада электр узатиш тармоғи ва 571 та трансформатор мукаммал таъ-мирланди. Инвестиция лойиҳалари доирасида янги тармоқлар қурилиб, мавжуд қувватлар мо-дернизация қилинди. Энергия самарадорлиги-ни ошириш мақсадида 664 та объектда умумий қуввати 29,3 минг киловатт бўлган қуёш панел-лари ўрнатилди. Бу эса, аънанавий электр энер-гияси истеъмолини қисқартириш ва мобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Электр тизимини тартибга солиш билан бир қаторда, табиий газ тармоқларидаги йўқотиш-ларни бартараф этиш ва соҳага замонавий бош-қарув механизмларини жорий қилиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар бошланган. Хусусан, тармоқларни модернизациялаш, рақамлашти-риш ва гидравлик лойиҳалар асосида иш юри-тишининг янгича ёндашувлари шакллантирил-моқда. Муҳими, ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳоли хонадонларида зўриқисиз газ етказиб бериш учун энди фақат таъмирлаш ёки носоз қувурларни алмаштириш билан чекланиб қо-линмайди. Бундан буён ортиқча юклама билан ишлаётган тизимларни оптималлаштириш, ҳалқасимон тармоқларни жорий этиш, қўшқа-торларни ягона тизимга бирилаштириш ҳамда хизмат муддатини ўтаб булган қувурларни ян-гилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тизимга татбиқ этилаётган бундай инновацион ечим-лар вилoят аҳолисини нафақат куз-қиш мавсу-мида, балки йил давомида электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлашга, тар-моқларнинг ишончилигини ошириб, йўқо-тишларни минимал даражага туширишга хиз-мат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Янги лойиҳалар Жиззахнинг туризм салоҳиятини юксалтирмоқда

▼ Жиззах вилоятида кўприк ва йўл ўтказгичлар қурилиши давом этмоқда.



Жиззах вилоятида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва саноат тармоқлари фаолиятини кенгайтириш билан бир қаторда, сайёҳлик йўналишидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қартилмоқда.

Абдусамий ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилнинг 2 декаб-рида вилоятга қилган таширфи чоғида транс-порт ва туризм инфратузилмасини жадал ри-

вожлантириш бўйича мутасаддиларга алоҳида топшириқлар берган эди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан махсус “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, айни пайтда белги-ланган чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилди. Хусусан, Айдар-Арнасой кўллар тизимига барпо этилаётган янги те-мирийўл тармоғининг муҳим бўғини саналган йўл ўтказгич ҳамда кўприкларда қурилиш, мон-таж ва ободонлаштириш ишлари жадал суръат-ларда давом этмоқда.

Арнасой тумани худудидан ўтувчи мазкур объектининг қурилишига бежиз катта эътибор қаратилаётгани йўқ. Бундан қўзланган асосий мақсад – худуд инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш ва янги иш ўринлари ташкил этишдир. Колаверса, Айдар кўли атрофидаги бой наботот ва ҳайвонот олами, инсон организми учун ши-фобахш ҳисобланган балчиқ ҳамда экотуризм-

ни ривожлантириш учун ноёб жиҳатлар беҳи-соб. Очик осмон остидаги ушбу бетакрор гўшада транспорт қатновини яхшилашга қаратилган йирик лойиҳалар амалий мазмун билан бойиб, ички ва ташқи туризм оқимини сезиларли дара-жада оширишга хизмат қилмоқда.

Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва сайёҳлик инфратузилма-сини тақомиллаштириш борасидаги ишлар орасида, айниқса, янги қуриладиган темирйўл линииси алоҳида эътиборга молик. Туман худу-дида бунёд этилаётган йўл ўтказгичлар лойиҳа-нинг энг муҳим муҳандислик иншоотлари ҳи-собланиб, ушбу объектларда ишлар айни пайтда қизгин тус олган. Мутахассисларнинг эътироф этишича, замон талаблари асосида тикланаёт-ган бу кўприқлар келгусида темирйўл қатно-вининг хавфсизлиги ва узлуксизлигини таъ-минлаш, ҳаракат тезлигини ошириш ҳамда юк ташиш самарадорлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бунёдорлик жараёни-да иштирок этаётган тажрибали мутахассислар замонавий муҳандислик ечимлари ва юқори техник талабларга қатъий амал қилмоқда. Ло-йиҳага мувофиқ, Айдар-Арнасой кўлларигача бўлган йўналишда турли ҳажмдаги 63 та кўприк ва йўл ўтказгич барпо этилиши белгиланган бў-либ, ҳозирда қурилиш-монтаж ишлари босқич-ма-босқич бажарилмоқда.

Мазкур йирик лойиҳа доирасида узунлиги 39,1 километр бўлган янги темирйўл тармоғи тўлиқ фойдаланишга топширилгач, Айдар-Ар-насой тизимига етиб бориш имкониятлари ва транспорт логистикаси мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бундай қулайлик маҳаллий ва хо-рижлик сайёҳлар оқимини бир неча баробар қўпайтириш билан бир қаторда, воҳада хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда вилоятнинг иқтисодий фаоллигини янада оширишга хиз-мат қилади.

Лойиҳалаш жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ўрни

Инсон доимо ўз ҳаётини осонлаштиришга интилади ва шунинг учун маълум бир вазифаларни бажара оладиган қурилмаларни ихтиро қилади. Бугунги кунда қурилмалар инсон имкониятларидан ташқари вазифаларни ҳам бажаришга қодир бўлган ҳолатлар мавжуд. Мисол учун, энг яхши ақлли уй тизимлари уйни одамга қараганда тезроқ, аниқроқ ва самаралироқ бошқариши мумкин.

Закирё БУЗРУКОВ,
Т.ф.н. Наманган давлат техника университети профессори,
Файзулло НИШОНОВ,
PhD, доцент.



Биз ажойиб даврда яшаймиз. Кўп йиллар олдин пайдо бўлган ақлли уй технологиялари узоқ вақтдан бери ҳаёлий нарса ёки ниҳоятда қиммат ҳисобланган. Замонавий технологиялар, компьютер тизимлари ва маиший электроника соҳасида автоматлаштиришнинг ривожланиши тўғайли ақлли уйлارни яратиш оддий, хавфсиз ва унчалик қиммат бўлмай қолди. Ҳар қандай уй ёки квартирани автоматлаштириш унинг бозор қийматини оширади ва бу автоматлаштириш ҳақида ўйлаш учун етарлича далил ҳисобланади.

Одамлар янги ёки мавжуд квартирасини автоматлаштириш ҳақида ҳар хил тасаввурларга эга. Базилар сўнгги янгиликлардан фойдаланишга қизиқса, бошқалари меҳмонларни ажаблантирмоқчи бўладилар. Ва баъзи одамлар “ақлли уй”нинг афзалликларини объектив равишда кўриб чиқадилад.

Умумий бошқарув тизими сизнинг уй ҳаётингиз янада ёқимлироқ бўлишига, ўзингизни яхши ҳис қилишга ва ҳақиқатан ҳам муҳим нарсалар учун энергия тежашга имкон беради. Сиз фақат хонадонингизнинг барча талабларига жавоб берадиган ва бирга ўсиб, ривожланидиган тизимни танлашингиз керак. Албатта, барча соҳалар бўйича ушбу ақлли тизимларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш масаласи бугунги кунда муҳандислик мактаблари асосида тайёрланадиган тажрибали муҳандис кадрлар орқали амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Янги

авлод муҳандисларини тайёрлаш ва муҳандислик таълимини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-278-сонли қарорида яратиш ва уларни жаҳон тажрибаси асосида шакллантириш вазифаси қўйилди. Ушбу Қарорнинг асосий мақсади – мамлакат иқтисодиётининг локомотивлари бўлган юқори технологияли компаниялар билан ҳамкорликда илгор муҳандислик мактабларини ташкил этиш, мамлакатнинг технологик, ижтимоий ва иқтисодий ривожига хизмат қиладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, инновацион маҳсулотлар қўламини ошириш, таълимни ишлаб чиқаришдан олдинга олиб чиқиш ҳамда йирик корхоналар ва аҳолининг ижтимоий муаммоларига технологик ечимлар топишдан иборат.

Муҳандислик мактаблари (Engineering School yoki Faculty of Engineering) – муҳандисликнинг турли соҳалари (қурилиш, машинасозлик, IT, энергетика, кимё, аэрокосмик ва ҳ.к.) бўйича чуқурлаштирилган назарий ва амалий билим берадиган олий таълим муассасалари ёки университетлар таркибидаги факультетлардир.

Муҳандислик мактабларида таълим одатда қуйидаги йирик тармоқларга бўлинади:

- Компьютер ва IT муҳандислиги: Дастурий таъминот яратиш, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва тармоқ тизимлари;



- Машинасозлик (Mechanical Engineering): механик тизимлар, робототехника, автомобилсозлик ва двигателлар лойиҳалаш;
- Қурилиш муҳандислиги (Civil Engineering): бинолар, кўприklar, йўллар ва шаҳар инфраструктурасини лойиҳалаш ва қуриш;
- Электр ва электроника муҳандислиги: электр тармоқлари, микросхемалар, алоқа тизимлари ва яримўтказгичлар;
- Кимё ва биомуҳандислик: янги материаллар, фармацевтика, экологик тоза технологиялар ва биотиббий қурилмалар.

Ушбу муҳандислик таълим тизими қандай ташкил этилган?

Муҳандислик мактабларида ўқиш одатда уч босқичдан иборат:

- Бакалаврият (B.S./B.Eng.): 3-4 йил давом этади. Асосий эътибор математика, физика ва муҳандислик пойдеворига қаратиллади.
- Магистратура (M.S./M.Eng.): 1-2 йил. Муайян бир тор соҳа бўйича ихтисослашиш ва илмий тадқиқотлар.
- Докторантура (PhD.): 3-5 йил. Янги технологиялар ва илмий кашфиётлар устида ишлаш.

Муҳим жиҳати шундаки, замонавий муҳандислик мактаблари фақат назария билан чекланмайди. Талабалар лабораторияларда ишлайдилар, STEM лойиҳаларини амалга оширадилар ва йирик компанияларда мажбурий амалиёт (internship) ўтайдилар.

Халқаро рейтинглар (масалан, QS World University Rankings) бўйича дунёдаги энг кучли муҳандислик марказлари қуйидагилардир:

Университетлар номи	Давлат	Оммабоп йўналишлари
1. MIT (Massachusetts Institute of Technology)	АҚШ	Робототехника, АИ, Аэрокосмик
2. Stanford University	АҚШ	IT, Кремний водийси билан интеграция
3. University of Cambridge	Буюк Британия	Кимё ва машинасозлик
4. ETH Zurich	Швейцария	Қурилиш, компьютер фанлари
5. Nanyang Technological University (NTU)	Сингапур	Нанотехнологиялар, материалшunoslik

Юртимизда ҳам бугунги кунда илгор таълим муассасаларининг энг етакчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- Тошкент давлат техника университети (ТДТУ) – аънъавий ва энг йирик муҳандислик мактаби.
- Турин политехника университети (ТПТУ) – машинасозлик ва архитектура бўйича Европа стандартлари асосида.
- Тошкент шахридаги Инха университети (ИУТ) ва Амита университети – IT ва дастурий муҳандислик бўйича етакчилар.
- Янги Ўзбекистон университети – замонавий муҳандислик ва кимё технологиялари йўналишида Ўзғарб дастурлари асосида дарс беради.

Ушбу муҳандислик мактаблари қурилиш ва техниканинг кўпгина соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, ўзларининг инновацион ғояларини тақдим этиб келишмоқда. Хусусан, “Ақлли шаҳарлар” концепцияси асосида ҳам замонавий шаҳарларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари билан лойиҳа ишларини амалга оширмоқда. “Smart city” (Ақлли шаҳар) концепцияси – бу замонавий технологиялар ва маълумотлар (Биг Дата) ёрдамида шаҳар аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш ва бошқаруви осонлаштириш тизимидир. Бунда барча соҳалар – транспорт, энергия, хавфсизлик, тиббиёт ва уй-жой коммунал хизматлари ягона рақамли тармоққа бирлаштирилади.

Бу улкан экотизимда ёш муҳандисларнинг роли беқиёс. Сабаби, ақлли шаҳарларни лойиҳалаш ва бошқариш эскича ёндашувлардан бутунлай фарқ қилади.

1. “Smart city”нинг асосий йўналишлари.
Ақлли шаҳар қуйидаги асосий устунлардан ташкил топади:

- Ақлли транспорт (Smart Mobility): Тирбандликларни камайтирадиган светофорлар, электромобиллар учун қувватлаш станциялари ва жамоат транспортининг ҳаракатини реал вақтда кўрсатувчи иловалар.
- Ақлли энергетика (Smart Energy): Истиш ва чиқокларни одамлар бор-йўқлигига қараб автоматик бошқарадиган тизимлар (масалан, ҳаракат датчикли кўча чиқоклари).
- Ақлли экология (Smart Environment): Ҳаво тозаллигини ва чиқинди қутиларининг тўлганлигини назорат қилувчи сенсорлар.
- Хавфсиз шаҳар (Smart Security): Юзни танувчи ва ҳуқуқбузарликларни автоматик аниқловчи видеокузатув тизимлари.

2. Ёш муҳандислар ва “Smart city”.
Бугунги кунда ёш муҳандислар ақлли шаҳарларни барпо этишда асосий ҳаракатлан-тирувчи куч ҳисобланади. Улар янги давр талаб-ларига мос қуйидаги йўналишларда фаолият юритмоқда:

- IoT (Интернет бўюмлар) муҳандислари: Шаҳардаги барча датчиклар, ҳисоблагичлар ва камераларни ягона тармоққа улловчи мутахассислар.
- Data Scientist (Маълумотлар таҳлилчилари): Шаҳар сенсорларидан келадиган миллионлаб маълумотларни таҳлил қилиб, тирбандлик ёки энергия етишмовчилиги қаерда бўлишини олдиндан прогноз қилувчилар ҳисобланади.
- Яшил энергетика муҳандислари: Кўёш ва шамол энергиясини шаҳар тармоғига хавфсиз ва самарали интеграция қилувчи ёш олимлардир.
- BIM (Building Information Modeling) лойиҳачилари: Биноларни рақамли (3D) этизагини яратиб, уларнинг қурилиш ва энергия сарфини олдиндан ҳисоблаб чикувчи муҳандислар сирасига қиради.

Ёш муҳандисларнинг устунлиги нимада?

Ёш авлод вакиллари креатив фикрлаш, замонавий дастурлаш тилларини тез ўзлаштириш ва глобал трендлардан хабардорлик борасида устунликка эга. Улар стартаплар орқали шаҳар муаммоларига (масалан, сувни тежаш, ақлли парковклар) тезкор ва арзон рақамли ечимлар тақдир қилмоқда.

Юртимизда ҳам “Нурафшон ақлли шаҳар” каби лойиҳалар, шунингдек, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда “Рақамли Тошкент” дастури доирасида кўлаб IT ва муҳандислик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу эса “Ёшлар академияси” ва маҳаллий техник университетлар (масалан, ТАТУ, Турин, ИНХА) битирувчилари учун жуда катта имкониятлар эшигини очади. “Smart city” (Ақлли шаҳар) архитектурасининг “юрэк уриши” бу – IoT (Internet of Things – Internet buyumlar) технологиясидир. Бу тизим шунчаки қурилмаларни интернетга улаш эмас, балки атрофдаги жисмоний объектларни (светофорлар, чиқинди қутилари, сув қувурларини) бир-бири билан “таппашадиган” ақлли тармоққа айлантиришдир. Шаҳарлардаги IoT тизими қандай ишлашини ва унга энг ёрқин мисолларни оддий тилда кўриб чиқамиз.

Ақлли шаҳарда IoT қуйидаги занжир асосида ишлайди:

- Маълумот йиғиш (Сенсорлар): Шаҳарнинг турли нуқталарига ўрнатилган кичик датчиклар (ҳаракат, ҳарорат, босим, газ сенсорлари) атрофни назорат қилади.
- Узатиш (Тармоқ): Жисмоний маълумотлар (масалан, “кути тўлди”) 5G, Wi-Fi ёки махсус энергиятежамкор LPWAN (LoRaWAN) тармоқлари орқали марказга жўнатилади.
- Таҳлил (Булуғли тизим/СИ): Келган миллионлаб маълумотларни сунъий интеллект ва дастурлар сониялар ичида таҳлил қилади.

- Ҳаракат (Амалга ошириш): Тизим автоматик равишда қарор қабул қилади ёки тегишли хизматларга сигнал юборади.

“Smart city”да IoT қўлланилишига 5 та реал мисол келтирамиз.

Жаҳон тажрибасида (масалан, Сингапур, Сеул ёки Барселонада) аллақачон ишлаётган тизимлар:

- Ақлли чиқинди қутилари (Smart Waste Management)**
 - Муаммо: Чиқинди машиналари ҳар куни бўш ёки ярим тўла қутиларни текшириб, беҳуда ёнилги сарфлайди.
 - IoT ечими: Чиқинди қутилари ичига ультратовушли сенсорлар ўрнатилади. Қути 80 фоизга тўлганда, у марказга сигнал юборади.
 - Натижа: Чиқинди ташувчи машиналар фақат тўлган қутилар олдида боради. Йўналиш оптималашади, ёнилги 30 фоизгача тежалди.

2. Адаптив светофорлар (Smart Traffic Lights).

- Муаммо: Машина йўқ йўлда ҳам яшил чиқокнинг узоқ ёниб туриши ёки тирбанд йўлга қизил чиқок берилиши.
- IoT ечими: Йўл тагига ва камераларга ўрнатилган сенсорлар қайси йўналишда қанча машина турганини реал вақтда санайди. Светофор вақти сония сайин ўзини мослаштиради.
- Натижа: Шаҳарда тирбандликлар ва ҳавога чиқаётган захарли газлар миқдори камаяди.

3. Ақлли ёритиш (Smart Street Lighting)

- Муаммо: Тунги соат 03:00 да ҳеч ким йўқ кўчаларда чиқокларнинг 100 фоиз қувватда ёниб туриши ва энергия исрофи.
- IoT ечими: Кўча чиқокларига ҳаракат датчиклари ва ёруғлик сенсорлари ўрнатилади. Агар кўчада одам ёки машина бўлмаса, чиқоклар 20% қувватга чиралашади. Одам яқинлашганда эса 100% ёнади.
- Натижа: Шаҳар электр энергияси сарфи 40-50% га қисқаради.

4. Қувурлардаги сизиб чиқишни аниқлаш (Smart Water Management)

- Муаммо: Ер остидаги сув қувурлари тешилганда, сув юзага чиққунча тонналаб тоза ичимлик суви исроф бўлади ва йўлларни бузади.
- IoT ечими: Қувурлар ичига босим ва оқим сенсорлари ўрнатилади. Агар икки нуқта орасида босим тўсатдан тушиб кетса, тизим сув сизиб чиқаётган аниқ координатани кўрсатади.
- Натижа: Авариялар катта зарар етказмасдан, бир неча дақиқада бартараф этилади.

5. Ақлли парковка (Smart Parking)

- Муаммо: Ҳайдовчиларнинг бўш жой қидириб шаҳар айланиши, вақт ва ёнилги йўқотиши.
- IoT ечими: Ҳар бир парковка жойи тагига кичик сенсор ўрнатилади (у устида машина бор-йўқлигини билади). Бўш жойлар ҳақидаги маълумот харитага чиқади.
- Натижа: Ҳайдовчи мобил илова орқали шаҳарга кирмасдан туриб қаерда бўш жой борлигини кўради ва тўғри ўша ерга боради.

Ёш муҳандислар учун бу нимани англатади?

Мана шундай сенсорларни яратиш, уларни дастурлаш ва микрохемалар (чиплар) йиғиш билан айнан IoT муҳандислари ва Эмбедд (ўрнатилган тизимлар) дастурчилари шуғулланади. Бу соҳа бугунги кунда дунёдаги энг сердаромад ва истикболли касблардан биридир. Наманган давлат техника университетига ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида” 2025 йил 24 январдаги ПҚ-23-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Илгор муҳандислик мактаби ташкил этилди.

Илгор муҳандислик мактаби йўналишига мос сановат ҳамкорлари сифатида “Tayl Chang Special Steel” хорижий корхонаси, “Ifoda Agro Kimyo Himoya” ва “Nam Motor Servis” МЧЖ белгилаиб, улар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Илгор муҳандислик мактаби базасида инновацион ишлаб чиқариш “Механика парки” ҳамда “Тўқимачилик технопарки” ташкил этилди. 2025-2026 ўқув йилининг сентябрь ойидан ўқув жараёнларини ташкил этиш мақсадида замонавий лабораториялар яратилиб, керакли барча лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, Илгор муҳандислик мактабида сановат ҳамкорлари томонидан тақдим этилган муаммолар портфели асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб боришни йўлга қўйиш мақсадида ушбу корхоналарнинг муаммолар портфели шакллантирилди ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда сунъий интеллект (СИ) технологияларини ривожлантириш “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва 2030 йилгача мўлжалланган “Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегияси” доирасида жадал олиб боришмоқда. Мамлакатимиз ушбу соҳада Марказий Осиёда етакчилардан бири ҳисобланади.

Яна шунини айтиш мумкинки, ҳозирги даврда сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Ушбу технологиялар нафақат иқтисодий самарадорлик ва инновацион ривожланишни таъминлашга, балки таълим, бошқарув ва илмий соҳаларда ҳам катта ўзгаришларни амалга оширишга ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қабул қилинган давлат қарорлари ва чора-тадбирлар ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Ўз навбатида, сунъий интеллект жамият ҳаётининг турли соҳаларида ўз аҳамиятини кўрсатиб, мамлакатнинг глобал майдондаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Сергели туманида барпо этилган спорт бекати.

ЎЗА якуни – Топширилди – 00.15.